



Tadqiqot UZ



**ЎЗБЕКИСТОН  
ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ  
ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТАДҚИҚОТЛАРИ  
МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ  
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**2021**

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



31 DEKABR  
**№35**

**CONFERENCES.UZ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА  
ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН  
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”  
12-ҚИСМ**

---

**«ИННОВАЦИОННЫЕ НАУЧНО-  
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ  
УЧЕНЫХ И МОЛОДЕЖИ УЗБЕКИСТАНА»  
ЧАСТЬ-12**

---

**«INNOVATIVE SCIENTIFIC AND PRACTICAL  
RESEARCH OF SCIENTISTS AND YOUTH OF  
UZBEKISTAN»  
PART-12**

**ТОШКЕНТ-2021**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” [Тошкент; 2021]

“Ўзбекистон олимлари ва ёшларининг инновацион илмий-амалий тадқиқотлари” мавзусидаги республика 35-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 декабрь 2021 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2021. - 12 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шохида Юсуповна (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети)

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



### **8. Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

### **9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

### **10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

### **11. Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

### **12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

### **13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

### **14. Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **15. Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

### **16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

### **17. Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

### **18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

### **19. Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **20. Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

### **21. Кимё фанлари ютуқлари**

Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҶАЛАРИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

<b>1. Манушак Арушанова-санъатшунос</b> ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДАГИ “БУТУН ОЛАМНИ ЖО ЭТГАН ЮРАК КЎРГАЗМАСИ” .....	7
<b>2. Qodirov Qodirbergan Tolqinovich, Hayitboyeva O’lmasxon Komiljanovna</b> JISMONIY TARBIYA, SPORT SOG’LOMLASHTIRISH MASHG’ULOTLARINI TASHKIL ETISH .....	10



## МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҶАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

### ИСЛОМ КАРИМОВ НОМИДАГИ ИЛМИЙ-МАЪРИФИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУАСИДАГИ “БУТУН ОЛАМНИ ЖО ЭТГАН ЮРАК КЎРГАЗМАСИ”

Манушак Арушанова-санъатшунос

Тел: 99890 9628702

Arushanovamanushak8@gmail.com

**Аннотация:** Мазкур мақолада Юртимиздаги ҳамиша гавжум кўргазма залининг экспозицияси ҳақида ва машҳур рассомларимиз, ҳайкалтарошларимиз томонидан яратилган санъат асарлари ва уларнинг томошабин онгига таъсири ҳақида батафсил маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** Халқ маънавияти, ёдгорлик мажмуаси, кўргазма, экспозиция, лойиҳа, портрет жанри, маҳобатли рангтаъсир, ҳайкалтарошлик асарлари, туркум, ғоя, эстетик.

Маълумки, кўхна тарих Биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов зиммасига мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятни ижобий томонга ўзгартириш, жар ёқасига келиб қолган Ўзбекистонни дахшатли фожеалар гирдобидан олиб чиқиш масъулиятини юклади. Ислом Каримовнинг “...олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев бу ҳақида: “Бутун онгли ҳаётини Ўзбекистонимиз учун, унинг мустақиллиги ва озодлиги дунёда ҳеч кимдан кам бўлмасдан равнақ топиши учун бағишлаган буюк Юртбошимизни миллий тарихимизнинг энг кескин ва таҳликали, туб бурилиш даврида халқимизни дардига дармон бўлсин, деб Яратганнинг ўзи майдонга чиқарди ”.

**Биринчидан,** Биринчи Президентимиз таъкидлаганидек, “мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш ҳуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демақдир”<sup>2</sup>.

**Иккинчидан,** бирон-бир халқмаънавиятига хос кадриятларнинг бошқа халқлар томонидан тан олинishi шу халқнинг ғурур ва ифтихори, миллий ўзлигини янада юксалтиришга хизмат қилади. Бугунги кунда жаҳон миқёсида буюк аждодларимизнинг сўнмас даҳосига ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлиги барчамизни қувонтиради. Шу ўринда Белгияда Ибн Синога, Литвада Мирзо Улуғбекка, Москва, Токио ва Баку шаҳарларида Алишер Навоий бобомизга, Миср пойтахти Қохира шаҳрида эса Аҳмад Фарғоний хотирасига ҳурмат сифатида муаззам ҳайкалларнинг ўрнатилиши ҳар бир Ватандошимиз қалбида чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади. Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Ҳар қайси инсон мен шу миллат фарзанди эканман, менинг аждодларим кимлар бўлган? Миллатимнинг ибтидоси қайда? Унинг оёққа туриши, тикланиш, шаклланиш жараёни қандай кечган? Деган саволларни ўзига бериши табиий”<sup>3</sup> деб бежиз айтмаганлар.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.,2008.-Б.169-170

<sup>2</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик таракқиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.-Т.,2003.-Б.19.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.,1998.-Б.75.



**Учинчидан**, Ислом Каримовнинг куйидаги сўзларини эслатиш мақсадга мувофиқдир: “Ўгурули, мард ёшларимиз буюк тарихни яратган аждодларимизнинг ворислари сифатида “Мен келгуси авлодга ўзимдан нималар қолдираман?” деган тушунча ва интилишни онгу шуурига жойлаб яшаши шарт. Эришилган ютуқларимизни янада ривожлантириш билан бирга, бошқалардан ўзишга интилмоқ керак. Шунда буюк келажагимизни таъмин этган бўламиз”<sup>1</sup>.

Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланган кунидан бошлаб ҳамма соҳада тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, бой мероси, муборак хотирасини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини олий кадрият даражасига кўтаришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини, маънавий оламини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Шундай масканлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 апрелдаги тегишли қарори асосида Ислом Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш ва меросини ҳар томонлама ўрганиш мақсадида тузилган Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий ёдгорлик мажмуасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2016-йил 2-декабрдаги “Буюк давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танловни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан Буюк Йўлбошчимиз сиймоси тасвирланган ҳайкални яратиш бўйича халқаро ижодий танлов эълон қилинган эди. Танлов бир босқичда Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда 7 давлатдан Ўзбекистон, Украина, Жанубий Корея, Италия, Германия ва Австралиядан 58 нафар муаллиф томонидан тақдим этилган 68 лойиҳа намойиш этилди.

Танлов натижаларига кўра, ҳайкалтарош, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги, Ўзбекистон санъат арбоби Илҳом Жабборов яратган ҳайкал ғолиб, деб топилди.

Мажмуага кираверишда 2017 йилда академик Илҳом Жабборов томонидан бронзадан ишланган Биринчи Президентимизнинг ҳайкали қалбларга ажиб илиқлик бағишлайди. Бу ҳақда муаллиф куйидаги фикрлар билдирган эди: “Ислом Каримов доим менга энг муҳим “детал” ларни сўзлаб берарди. Бу эса ишларимиздаги ижодий ўзига хосликни таъминларди. Биринчи Президентимизнинг ҳайкалини ясаётганимизда унинг ёнимдалигини ҳис қилиб турардим. Бу мен учун муҳим эди”.

Ёдгорлик мажмуаси ичига кирувчи “Бутун оламини жо этган юрак” номли кўргазма кунига ўзига 2300 дан зиёд томошабинларни жалб қилиб келган.

Таъкидлаш жоиз, Ислом Каримов табиатан камтарлиги боис сира ўз расмини натура ҳолатида чиздирмаган. Кўргазма экспозициясидан таниқли рассомлар қаторида, Ўзбекистон Халқ рассомлари, академиклар Собир Раҳметов, Баҳодир Жалол, Акмал Икромжонов томонидан ишланган асарлар ҳам жой эгаллаган. Акмал Икромжоновнинг “Заррин кун” номли асари, руҳан ихчам бўлишига қарамай, унда самимий туйғулар, меҳр муҳаббат тўлиқ ва ёрқин ифода этилган.

Картинада Биринчи Президентимиз ва уларнинг рафиқалари Татьяна Каримованинг бахтли ҳолати тасвирланган. Мазкур асар қалбда ғурур уйғотади. Шундай иқтидорли рассомларнинг ишларини кўриб, томошабин қалбида фахр пайдо бўлиши шубҳасиздир.

Владимир Мазитов томонидан яратилган диптих асарида Биринчи Президентимизнинг ўсмирлик даврлари ва турли қийинчиликлани енгиб, босиб ўтган йўллари кўрсатилган. Асарда 8 та турна акс эттирилган. Боиси ҳар бир турна 10 йиллик умр рамзи ҳисобланиб, жами 80 йилни ташкил қилади. Бунинг маъноси эса “Бутун оламини жо этган юрак” номли кўргазма ҳам Биринчи Президентимизнинг 80 ёшлиги муносабати билан очилган.

Бугунги кунда Ўзбекистон портрет жанрида ижод этаётган рассомлардан Ўзбекистон Халқ рассоми, академик Собир Раҳметов томонидан яратилган Биринчи Президентимизнинг талабалик йиллари портрети диққатга сазовордир. Бу портрет ҳақида рассом шундай дейди: Портрет яратишда рассом олдида турган энг асосий вазифалар бу – табиатнинг энг мукамал бўлаги ҳисобланмиш-инсонни маънавий дунёсини, ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ички кечинмалари, қалб сирлари, характери, жамиятдаги мавқеи тўғри акс эттириш, касби ва унинг шу жиҳатлари орқали давр хусусияти, сиёсий ижтимоий аҳволи ҳақида маълумот бера олишдан иборатдир. Буларнинг барини очиб бериш эса албатта рассомнинг ғоявий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият. Т.14.-Т.,2006. –Б.220.



эстетик ва сиёсий қарашлари даражаси билан боғлиқ.

Ҳақиқатдан ҳам, Биринчи Президентимиз образи акс этган портретлар, томошабинлар қалбида кучли таассурот қолдирмоқда. Масалан, ёш rassom Қиёмов Зухриддин томонидан яратилган “Нигоҳ” деб номланган асарни кўрган томошабин шундай фикр билдирди: Бугун мен Биринчи Президентимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида ташкил этилган ёдгорлик мажмуасига ташриф буюриб, улар тасвирланган картиналарни кўриб, кўзларим ёшга тўлди. Биринчи Президентимиз “Эл-Юрт ҳурматини қозонишни истаган ижодкор аввало сахна масъулиятини англаши лозим” деган гаплари, теран мушоҳадалари менга ҳаминша куч, қатъият ва илҳом бағишлаб келган.

Мазкур залдаги энг йирик ва томошабинни эътиборини тортувчи туркум асар бу Баходир Жалолов томонидан яратилган “Буюк йўлдор”. Туркум 5 та маҳобатли рангтасвир асарларидан иборат бўлиб, “Тет-а-тет” асари Ислom Абдуғаниевичнинг БМТ Ассамблеясидаги чиқишига бағишланган. Унда экология ва Орол муаммоси, космос, терроризм ва экстремизмга қарши кураш масалаларини ҳал этиш ва бошқа шу каби башариятга оид глобал муаммолар кўтарилган. Ислom Абдуғаниевични ўз-ўзи билан мулоқот ҳолатида тасвирланган, зеро у ҳаминша ўз олдига маълум вазифалар кўяр ва уларнинг тўғри ечимларни топишга ҳаракат қилар эди...”

Рассомнинг маҳобатли рангтасвир асарларини томоша қилар эканмиз, янги жамият меъмори бўлган миллат йўлбошчисининг фикрлар оламига сингиб кетгандек бўламиз гўё... Баходир Жалолов ўзининг экспрессив ва метафорик композициялари орқали Биринчи Президент образини ҳаёти ва улкан тарихий фаолиятини халқ тақдирига боғлаган шахс сифатида намоён этади. Томошабин кўз ўнгида Президентимизнинг қувонч ва драматик ҳодисаларга тўла, лекин шу билан бирга миллат ривожини йўлида ўтган ўн йилликлардаги ҳаёти гавдаланади.

Бу туркум ичида “Муҳаббатданда юксакроқ муҳаббат йўқ” асари Ислom Каримовнинг буткул ўзгача - табиатан романтик, оилани севувчи ва яқинларига садоқатли инсон образини акс эттиради. Асарда Биринчи Президентимиз ва рафиқалари Татьяна Каримова тасвирланган. Улар босиб ўтган буюк йўл ичида ўз Ватанига, халқига нисбатан муҳаббатдан юксакроқ муҳаббат йўқ эканлигини кўриш мумкин. Чунки улар қилган барча эзгу амалларини фақатгина юраги муҳаббатга тўла инсон қилиши мумкиндир. Ҳар бир буюк инсон ёнида буюк аёл тургани одамда ғурур ҳиссини уйғотиши табиий. Ислom Каримов ёруғ хотирасини абадийлаштириш мақсадида Татьяна Каримованинг тинмай қилаётган эзгу ишлари таҳсинга лойиқдир.

“Янги кунни кутиб олиб” асарида мамлакат келажагида амалга оширилиши зарур бўлган ғоя ва орзулар тасвирланган. Б.Жалолов бу асарларида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислom Каримов образини, бутун борлигини ўз халқига бағишлаганини ва мураккаб, буюк йўлни босиб ўтганини миннатдорлик билан ифодалайди.

Кўرғазмага қўйилган ҳар бир санъат асари Биринчи Президентимизнинг биз учун номаълум бўлган ҳаётини лавҳаларни ўз ичига қамраб олган. Тасвирий санъатда - Биринчи Президентимиз образи акс этган асарлардан иборат кўрғазмалар зали Ўзбекистоннинг намунали масканларидан биридир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курашимиз. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., 1998. – Б.75.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., 2008.- Б.169-170.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т II.-Т., 2003.-Б.19.
4. Каримов И.А.Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият. Т.14.-Т., 2006. – Б.220.



## JISMONIY TARBIYA, SPORT SOG'LOMLASHTIRISH MASHG'ULOTLARINI TASHKIL ETISH

**Qodirov Qodirbergan Tolqinovich**

Xorazm viloyati Urganch tumani  
43 - son maktab Jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi  
Tel: 991142030

**Hayitboyeva O'lmasxon Komiljanovna**

Xorazm viloyati, Urganch tumani  
43-son maktab Jismoniy tarbiya fani o'qituvchisi  
Tel: 99-673-85-09

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada o'quvchilarning sog'lom bo'lishlari uchun muntazam ravishda jismoniy tarbiya va sport sog'lomlashtirish mashg'ulotlariga jalb qilish masalalari keltirib o'tilgan.

**Kalit so'zlar:** Sport, jismoniy tarbiya, mashg'ulot, ta'lim, tarbiya, musobaqa, ruh.

O'zbekistonda jismoniy tarbiyaga juda qadimdan salomatlikni mustahkamlashning asosiy vositasi deb qaralgan. “Alpomish” o'zbek xalq qahramonlik dostoni, Alisher Navoiyning “Farxod va Shirin”, Zayniddin Vosifiyning “Badoye ul-vaqoye” (“Nodir voqealar”), Boburning “Boburnoma” asari va boshqalarda jismoniy, jangovar mashqlar, kuchlilik bahs munozaralarining xilma-xil namunalaridan hikoya qilinadi.

Jismoniy tarbiya darslarining maqsadi o'quvchilarni sog'lomlashtirish, jismoniy rivojlantirish va har tomonlama yetuk inson qilib tarbiyalashdir. Jismoniy tarbiya darslarining vazifalari esa shu darsda o'rgatiladigan jismoniy mashqlar va harakatlar texnikasini va taktikasini egallash bo'ladi. Shuning uchun har bir dars maqsadi o'zgarib boradi. Jismoniy tarbiya darslarining xususiyatlari shuki, o'quvchilar dars jarayonida jismoniy amaliy harakatlarda bo'lishib, buning uchun ular maxsus sport kiyimlarida bo'lishlari hamda mashg'ulotlar maxsus joylarda va zaruriy jihozlar bilan o'tkazilishi ta'minlanadi. Jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarning faqat jismoniy fazilatlarini tarbiyalanmay, balki ularning ahloqiy sifatleri o'zaro hamkorlik, jamoatchilik, tashabbuskorlik, faollik, botirlik va qo'rqmaslik xislatlari tarbiyalanadi. Shuningdek, jismoniy tarbiya darslari jarayonida o'quvchilarda Vatan tuyg'usi va vatanparvarlik ruhini shakllantirish kerak.

O'quvchilar jismoniy rivojlanishi, jismoniy qobiliyatlari va shaxsiy xususiyatlari xilma-xil bo'lganligi uchun o'qituvchilardan mashg'ulotlarni tashkil etish va boshqarishda o'quvchilarga individual yondashish hamda kasbiy pedagogik va amaliy tayyorgarlik darajasi yuqori bo'lishligini talab etadi.

O'quvchilar jismoniy tayyorgarligini to'g'ri rejalashtirib, nazorat qilib borilganda unumli natija beradi. Jismoniy tarbiya darslariga qo'yiladigan talablar: jismoniy tarbiya darslari yoshlarni tarbiya jarayoni hisoblanib bir qator pedagogik, psixiologik, tibbiy biologik va amaliy talablarga rioya qilinishi kerak.

Ta'lim vazifalari tarbiya va sog'lomlashtirish vazifalari bilan birga olib boradi. Jismoniy tarbiya darslarida tartib intizom, diqqat, iroda, saranjomlik, do'stlik, hamkorlik, jamoatchilik, tashabbuskorlik, mustaqillik hamda qiyinchiliklarni yengishda botirlik va qo'rqmaslik sifatleri tarbiyalanadi. Ahloqiy sifatleri tarbiyalash uchun albatta shu fazilatlar talab etiladigan jismoniy mashqlar, harakatlar yoki o'yinlar va musobaqalar tashkil etiladi. Jismoniy tarbiya darslari jarayonida Vatan tuyg'usi va vatanparvarlik hissi sifatleri tarbiyalashda katta e'tibor qaratiladi.

Jismoniy tarbiya darslarini o'tish jarayonlari: jismoniy tarbiya darslari samaradorligi ularni tashkil etish sharoitlari va talablariga bog'liq. Ochiq havoda o'tkazilganda dars davomida jismoniy rivojlanish bilan birga tabiat omillari ta'sirida chiniqish muolajalari ham amalga oshadi. Jismoniy tarbiya darslariga iqlim va fasllarning ham ta'siri katta bo'ladi. Dars o'tish joylari, sport maydonlari, sport zallarining holati va jihozlar bilan ta'minlanganlik o'quvchilarni sport kiyimida bo'lishligi jismoniy tarbiya darslari jarayoniga o'z ta'sirini ko'rsatadi. Ochiq havoda sport maydonlarida dars o'tkazilganda o'quvchilarni sport maydoniga kelishlari maydon bo'yicha dars davomida taqsimlanishi va dars yakunida mashg'ulotdan ketishi holatleri nazorat qiladi. Sovuq kunlarida qizdirish mashqlariga katta e'tibor beriladi. O'quvchilarni bekor holda qolishlari bartaraf etiladi. Ochiq havoda o'tkaziladigan mashg'ulotlarda xilma-xil jismoniy harakatlar, ulotqirish, tez



yugurish, estafetalar, uzunlikka va balandlikka sakrashlar bajarish imkoniyati keng bo'ladi.

Sovuq kunlarda va qish vaqtida jismoniy tarbiya darslari tashkil etishda bolalarni issiq kiyimda bo'lishlari, mashg'ulot joylari va jihozlar qor va muzdan tozalangan, bo'lishi kerak. Yopiq inshootlar va sport zallarida jismoniy tarbiya darslarini o'tkazish muhim ahamiyatga ega. Jismoniy tarbiya dasturida keltirilgan o'quv materiallari iqlim va fasllar hisobga olingan holda taqsimlanishi zarur. Sport zallarida jismoniy tarbiya darslari kerakli jihozlar yordamida o'qituvchi nazorati ostida olib boriladi. Sport kiyimi o'quvchilarni jismoniy mashqlar bajarish malaka va ko'nikmalari egallashga mone'lik qilmaydi. Jismoniy tarbiya darslari asosan so'nggi o'quv soatlarga qo'yilgani ma'qul. Chunki, unda o'quvchilar aqliy charchagan holda bo'lib, jismoniy harakatlarga katta ehtiyoj tug'ilgan bo'ladi. Jismoniy tarbiya darslarida o'quvchilar bir xil sport kiyimida bo'lishlik darsni qiziqarliligi va ta'sirini orttiradi. Jismoniy yuklamalarni me'yorlash: har bir jismoniy tarbiya darslarida o'quvchilarni harakat malaka ko'nikmalarini shakllantirishda ularga jismoniy yuklamalar ta'sir etadi. Jismoniy yuklamalarni o'quvchilar organizmiga salbiy ta'sirini bartaraf etib, ijobiy ta'sirini orttirish o'qituvchining kasbiy pedagogik mahoratiga bog'liq. Jismoniy yuklamalarni dars davomida to'g'ri me'yorlash, o'quvchilarning to'g'ri jismoniy rivojlanishini ta'minlaydi. O'quvchilarning bo'sh vaqtlarini jismoniy tarbiya bilan o'tkazish uchun ularning ixtiyoriy harakatlanishi ta'minlanadi. Bu tadbirlar o'quvchilar yotoqxonalarida tashkil etiladi. Jismoniy tarbiya tadbirlarini o'quvchilar yotoqxonalarida umumiy jismoniy tayyorgarlik, sport va harakatli o'yinlar, musobaqalar va bellashuvlar shaklida tashkil etiladi. Musobaqalarning maqsadi, tartibi va o'tkazish shartlarini reglamentlash yuklamani boshqarish uchun asos bo'ladi. Musobaqalar tufayli jismoniy tarbiya va sport bilan shug'ullanuvchilar o'zlarining jismoniy tayyorgarligi va texnik taktik mahoratlari darajasini bilib boradilar. Bunday olib qaraganda musobaqalar jismoniy rivojlanishni nazorat qilish mezonlari bo'lib xizmat qila oladi.

#### **Foydalanilgan adabiyotlar**

1. Maktablarning jismoniy tarbiya darsliklari.
2. Ta'lim saytlari.

# “ЎЗБЕКИСТОН ОЛИМЛАРИ ВА ЁШЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАРИ”

(12-қисм)

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.12.2021

**Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

---